

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 20 март. Чоршанба №23-25 (883-885) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгилашни рамзи бўлмиш Наврўз айёмини «Хуш келисан ўлкамизга, Наврўзи олам!» деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тисмонингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбидан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадри юртдошлар! «Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг сеvimли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланаб қолган?», деган савол берилиши табиийдир.

Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиеъатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўлман.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва гоёлари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гузал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай гараз, гиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳлилик ва бирдамлик, эгалар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуғлаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига гоёт ҳамоҳандир.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани тўғрисида, ҳосият ва файз, кут-барака ва муруват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келадиган шарқона Янги йилмизни — бу гузал баҳор айёмини барчамиз оризқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида утказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий

неъматлар тортилган дастурхонлар агрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда утказилаётган сайил-томшаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида куриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетақдор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланаб кетган қадриятлар — бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дўсонини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз қувончи ва шодлиғини яқинлари, дўсту ёрлари, қўни-қўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қилади.

Мана шундай қувончли дамларда бутун халқимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гузал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан қўлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим! Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзалари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш навқирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севи ва хурматимни изҳор этман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан қўлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман.

«Обод турмуш» деб ном олган йилмизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барека келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин! Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Қиш захридан толиққан замин баҳор насимидан энтикади. Шарқираб оққан сувлар унга яна ҳаёт бахш этади. Дарахтлар сулув келинчақлардек бошига яшил гулчамбар тақайди. Қиру адиқларда майсалар буй чўзади. Мусоффо осмон узра чарақлаб чиққан қуёш кўнгаларинида ёриштириб юборади.

Бундай фараҳбахш дамларда инсон қалби беихтиёр қувонча тўлади. Шу кунларга етганига шукрона айтиб, шоду хуррамлик қилгиси келади. Ана шу табиий эҳтиёжнинг, эзгу хоҳиш-истакнинг ҳосиласи бўлиб юртимизга Наврўз кириб келди. Шаҳару қишлоқларда, маҳалларда қарнай-сурнай садолари янграмоқда. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамларнинг юз-кўзларида шодумонлик. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, уйинқароқ болакайлар, баҳордек лафотали қиз-жувоналар, оташқалб йигитлар Наврўз сайига ошиқади.

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

Жиззах шаҳридаги «Олмазор» маҳалласида жорий йилда экилган 500 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари баравж ўсмоқда. Бугунги кунда турли миллат вакиллари бўлган 6,5 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилаётган маҳаллада боғсиз ҳовли йўқ. Маҳалла гузари, мактаб, кўча ва йўл четларига ҳам дарахтлар экилиб, уларнинг парвариши учун маҳалла фаолларидан иборат масъуллар бириктирилган. Кўкаламзорлаштириш ойигида маҳалла фаолларининг ўзлари намуна бўлмоқдалар. Маҳалла гузари, фуқаролар йиғини идораси агрофи ҳам боққа айланганлиги бу ишга фаолларнинг нечоғлик эътиборли эканини кўрсатади. Худудимиздаги учта хонадонда иссиқхона барпо этилган. Сабзавот, турли зирворлар ва кўчатлар етиштириётган хонадон соҳиблари ўз оилалари фаровонлигини таъминлаш билан бирга, маҳалла ободлигига ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Шундай маҳаллодошларимиздан бири Воли Алижоновдир. Иссиқхонадан яхшигина даромад олаётган бу саховатли тадбиркор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам моддий ёрдам бериб келаётир. Дарахт экиш, боғ яратиш ёшлар қалбидан она табиатга, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини юксалтиради. Тарбиянинг бу йўналишида ҳам маҳалламизда ибратли тажриба тўпланган. Яшил боғлар, гулзорлар қўйнида ўсган одам меҳр-шофқатли бўлади. Айниқса, ўзи кўчат экиб, уни меҳр билан ўстирган боланинг қалбидан ёмонликка ўрин қолмайди.

О.НИШОНОВА, Жиззах шаҳри «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

МУНОСАБАТ

КАМОЛ ТОПАЁТТАН БУЮК КЕЛАЖАК



Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши мажлисида сўзлаган марузасидаги: «Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вази ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади ва ўйламанки, бу барчамизга катта мамнуният бағишлайди», деган эътирофларини тинглаб қалбим тубида тенгсиз фахру ифтихор ҳиссини туйдим. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар спортига шу қадар юксак эътибор билан қаралмоқдаки, бу саъй-ҳаракатлар ҳақли равишда қатор дунё мамлакатлари учун намуна бўлишга муносиб. Ҳозирда нафақат мамлакатимиздаги катта шаҳарлар, балки чекка қишлоқларимизда камолга етаётган фарзандларимиз ҳам замонавий спорт мажмуаларида шуғулланиб, улкан зафарларга эришаётирлар.

> [6]

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР ОБОДОНЛАШТИРИШ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳашар кишиларни орасталик, саранжом-сарипш-талликка, ободонлик ишларига қорлашиб, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтириши билан ҳам қадридир. Шундай тадбирларда ҳамюртларимиз бир мақсад, бир истак йўлида жипслашади.



Энг муҳими, ҳашардаги амаллар юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлидаги чора-тадбирларга ҳамоҳанд. Истиқлол йилларида халқимизнинг ушбу қадриятини янада бойиб, сайқал топди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида умумхалқ ҳашарини уюштириш ўзига хос анъанага айланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 март куни қабул қилинган фармойишига биноан, қадимий ва навқирон айём — Наврўзга муносиб кутиб олиш, жамиятимизда ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бегараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, юртимизда санитария ҳолатини янада яхшилашдан мақсадда март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилindi.

> [3]

ЭЪТИРОФ ИЛДИЗИ ТЕРАН, ҚАДРИЯТЛАРИ БАРДАВОМ



— Мактабда тарих дарсларида Ўзбекистон ҳудудидаги Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарлар шарқ цивилизациясига тамал тоши қўйган масканлар сифатида эътироф этилади. Амир Темур, Алишер Навоий сингари буюк шахслар фаолиятини урганиш учун ҳам алоҳида соатлар ажратилган. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг сиз ҳақингиздаги тасаввурлари ортиб борди. Хусусан, Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатнинг барқарор ривожланиш йўлидан бораётгани, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт,

спорт, жумладан, футбол соҳасида Ўзбекистон қитъада етакчилар сафида экани матбуотимизда тез-тез тилга олинади. Ана шундай жиҳатлар менда юртингиз билан янада яқиндан танишиш истagini уйғотди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Япониянинг халқаро (JICA) ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда таъсис этилган Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази Бухоро бўлимида иш бошладим.

> [3]

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИДА ТАЪСИРЧАН ОМИЛ

Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Дарҳақиқат, юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ҳуқуқий механизми та-

маслаҳати, фикрлашиб қарор қабул қилиш каби кўришилларда амал қилиб келган. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мазкур таъсирчан назоратни амалга ошириш тизимини изчил йўлга қўйиш ҳамда тарғибот ишларини ташкил этиш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан услубий кўмак ҳамда тавсиялар бериб келинмоқда. — Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни-

нинг 10-моддасига мувофиқ, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 58 та маҳалласида тумандаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятлари соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботлари тингланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод тумани бўлини раиси Жўрақўзи Исақов. — Тадбирларда аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, таълим муассасалари фаолияти, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, спортни оммалаштириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, истеъмолчиларга коммунал хизматлар кўрсатиш ҳолати каби қатор соҳалар бўйича фикр-мулоҳазалар уртага ташланди. Йиғинларда 11 нафар мансабдор шахсининг йўналишлар бўйича ҳисоботлари тингланди. Фуқаролар томонидан кўтарилган муаммоларни бартараф этиш, билдирилган тақлифларни ўрганиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади. Қўрилган масалалар юзасидан тузилган баённомаларда 119 та муаммо ва тақлиф қамраб олинган бўлса, шу кунгача уларнинг 118 таси ижобий ҳал этилди.

> [3]



БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



< [1]

Муаззам майдон агрофида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган сурлар, кўшайвонлар халқимизнинг оёб ва файзли хонадонларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархалак бу манзиларга ободлик ва фаровонлик белгиси — обихайёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнглига яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринклик бағишлайди.

Фусункор майдон узра борлик уйғониши, янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида улкан мониторларда юртимиз манзаралари — ям-яшил боғлар, бепоён далалар, замонавий иншоотлар, қадимий обидалар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намён бўлади.

Майдонга Обод турмуш маҳаласи фаоллари чиқиб келади. Наврўз байрами аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, маҳаллани янада обод ва кўркем этган ҳолда кутиб олиш борасида кенгашади.

Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру соҳават айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам Ийлободни ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмақда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўлаамзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Умуман аҳоли ҳашари ташкил этилиб, маҳалла, кўчалар, эҳли турар-жойлари ободонлаштирилади, ариқ-зувурлар тозаланиб, зивератхона қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилади, мевали ва манзарали дараклар, гул кўчатлари ўтказилади.

Байрам кунларида сергайрат ёшлар, кўли очик тадбиркорлар кўмакка муҳтожадорларга беминнат ёрдам бериши. Беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Кўн-қўшилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинди.

Кўнчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган, юртимиздаги барча маҳаллада қарор топан бундай ҳамжиҳатлик мухити Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараларидандир.

Муқтақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўлаб қадриятлар, удув ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Маҳалла идорасининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора кенгайтирилмоқда. Бу фароқлик жамиятининг шакллантириши, оила институтини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклигини кучайтириш, либровардида, ҳаётимизни янада обод қилишда муҳим аҳамият касб этадир.

...Саҳнага — майдонга жажжа болакайлар кириб келади, ҳар тараф шўх-шодон кулуга тўлади. Улар ижросидаги бахтиёр болакилик, муқтақил юрт фарзандларининг бегубор ва қувноқ ҳаётини тараннум этувчи жанрлардор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шавқ бағишлайди...

Халқимиз азал-азадан фарзандлар бaxту иқболини уйлаб, эзгу орузлар билан яшайди. Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажagini уйлаб ниҳол экиб, бог яратайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз одимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интиламилик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи муҳимдир.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар самараси ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамоллигида намён бўлмоқда. Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичида замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгалаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чиникқан, эътиқоди мустаҳкам авлод юзга етмоқда.

Бу Франциядаги «Инссад» ҳаёқор бизнес мактаби томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкиоти билан ҳамкорликда тайёрланган «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида ҳам ўз ифодасини топти. Инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон кашитгани ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгалади.

Ёшларимиз энг нуфузли танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч қимдан кам эмаслигини исботламоқда. 2012 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсирилар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатига йўналма оиди.

Муқтақилликнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда куриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси мамлакатимиз спорт ҳаётига, қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги катта воқеа бўлди. Ҳаёқор футбол ўшомлари федерацияси — ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясининг «Fair Play» (ҳалола ўйин) соврини билан тақдирлангани Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилган юксак эътиборнинг ҳаёқор миқёсдаги яна бир эътифори бўлди.

Тинч-осойишта элда хурсандчилик, тўй-томоша бўлади, ҳаёқотли халққа байрамлар ярашади. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз муссаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда.

Бир кун жанжал қиққан жойдан қиққ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган нотинчликларни, таназулли куриб, ушбу нақд ҳикмати янада чуқурроқ аниқлаймиз. Шундай тинч, осуда, фаровон юрда яшаётганимизга шукроналар айтайми.

Тинчлик барқарор юрда кут-барака, ривожланиш бўлади. Буни глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бугунги шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор сурьатларда ривожланаётганида ҳам кўриш мум-

кин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасида 2012 йилда Ўзбекистон аҳоли турмуш даражасини изчи юксалтириш таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз янги ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди. Аҳоли даромадлари миқдори 17,5 фоизга кўпайди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Утган йилда ушбу мақсадга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб бир миллион янги иш ўрни ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бундан буён ҳам энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади. Хусусан, жорий йилда 970 миңдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Бу оилалар фаровонлигини, маҳаллалар ободлигини, ёшларнинг узига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда ушбу сектор жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омилга, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Соҳа вақчалари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқиллиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Бу жиҳатлар 2012 йил 14 сентябрь кунин Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзудаги халқор конференцияда хорижлик ишбилармонлар, етакчи экспертлар томонидан ҳам эътифори этилди.

Янгилаиш — нафақат табиғат, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Наврўз арафасида янги ўй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилади. Бу иншоотлар Ватанимиз широйига чирой қўиш билан бирга, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Наврўзча Наврўзгача мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида уқан ишлар амалга оширилади. Йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга топширилади.

Самарқанд вилоятида Германиянинг «МАН» компанияси билан ҳамкорликда юк автомобилли ишлаб чиқариладиган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Сурғил қони базасида дунё мезоналари бўйича ҳам ноёб бўлган Ушторт газ-кми комплекс қурилиш бошланди. Қашқадарё вилоятида Жанубий Африканинг «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳани амалга оширишга киришилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилишидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топшириди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 милярд сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ангрен» ма-

сус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмақда.

2012 йилда Ўзбекистонда барча қишлоқ хўжалиги экинлари — ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. 7 миллион 500 миң тонна ғалла, 3 миллион 460 миң тоннадан ортиқ пахта, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилди. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожлантирилиши, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилаётгани бундай юксак натижаларни кўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос турлари жадал ривожланоқда. Жумладан, 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастури хизматлари 18 фоизга, технология асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш



17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

— Ўзбекистонда баҳор байрами — Наврўзнинг туртинчи марта кутиб олаётганимдан мамнуиман, — дейди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Факултети ва мухтор қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳаррозлик талаблари асосида режаланиб бундай ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркем қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш кулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислам Каримов тақлифига биноан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимиз қиёфасини тубдан узгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги бундай ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 10 миңга яқна тартибдаги замонавий уй-жой қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамлар-

нинг турмуш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Бундай юксалишлар юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ҳам узгартирмоқда. Одамлар бугунги ҳаётдан мамнун бўлиб, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Каттаю кичикнинг ҳаёти, меҳнатга муносабати узгайиб, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида муқтақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланишига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқарашини узгайиб бораётганига яна бир бор амин бўдим, — дейди Фаргона вилояти Бешариқ туманида яшовчи меҳнат фахрийси Комилабиби Ҳудойназарова. — Мисли кўрмаган бу ютуқлар, бу узгайишлар мана шу тантаналар шуқуқиде, юртдошларимизнинг қувноқиде ҳам яқол кўриниб турибди. Шундай дориомон кунларга етанимизга шукроналар айтмиз. Илоҳим, юртимиз тинч, ҳаётимиз обод, халқимиз фаровон бўлсин.

Бахтли яшашнинг омилларидан бири саломатлиқдир. Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг ана шундай бахтли ҳаёт кечиршини таъминлашга хизмат қилоқда.

Республикада ихтисослаштирилган жароҳатлик марказида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз қўиш ва улари даволаш имконини берадиган Кардиожароҳлик мажмуасининг очилиши аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Жорий йилда ҳам обод турмушининг муҳим шартини сифатида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун солиқлик сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

...Сумалак — миң дарда даво тансиқ таом. Қўнчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳилликдан тотли бўлган нёсма! Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқонларда сумалак пиширади. Қўн-қўшни, маҳалла-қўйга тарқатади. Бу танларга қувват, турпа тиниқлик бағишлайди. Узро меҳр-оқибатини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасида сумалак тайёрланиши ана шундай миллий қадриятларимиз, эзгу интилашларни ифодалайди. Шўх-шодон болакайлар «Сумалак» қўшигини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юдузлари, ёш хонадонлар уларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини куйро этадилар.

Майдон узра таралган мухитий оҳанглр, ҳофизлар қонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдорлик мухити, ёшлик, севиб ва вафо тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнглида фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоиси таралмоқда, борлиқини уйғутувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиналари давом этмоқда.

«НАВРЎЗ — 2013»

ОЛИЖАНОБ УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ



Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига ёзганда: «Барчаимиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодина билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиғатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп миң йиллик қўёғамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетақдор ифодаси бўлиб қолади».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Наврўз турли миллатлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлайдиган, миллий қадрият ва урф-одатлар улуғланидиган шодина сифатида кенг нишонланади.

Бугун юртимиз узра янгилаиш ва яшариш айёми — Наврўз наҳидаси кезмоқда. Замҳарир қиш чекиниб, юртимиз қир-адирларида бойчечак буй кўрсатди. Бепоён далаларда ниш ураётган ут-уланларни, куртак очётган дов-даракларни баҳорнинг майин насимлари оҳиста эркаламоқда. Кут-барака, эзгулик, меҳр-оқибат, бунинг учун солиқлик сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

...Сумалак — миң дарда даво тансиқ таом. Қўнчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳилликдан тотли бўлган нёсма! Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқонларда сумалак пиширади. Қўн-қўшни, маҳалла-қўйга тарқатади. Бу танларга қувват, турпа тиниқлик бағишлайди. Узро меҳр-оқибатини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасида сумалак тайёрланиши ана шундай миллий қадриятларимиз, эзгу интилашларни ифодалайди. Шўх-шодон болакайлар «Сумалак» қўшигини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юдузлари, ёш хонадонлар уларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини куйро этадилар.

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнглида фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоиси таралмоқда, борлиқини уйғутувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиналари давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ, Ўза муҳбири.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига ёзганда: «Барчаимиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодина билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиғатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп миң йиллик қўёғамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетақдор ифодаси бўлиб қолади».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Наврўз турли миллатлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлайдиган, миллий қадрият ва урф-одатлар улуғланидиган шодина сифатида кенг нишонланади.

Бугун юртимиз узра янгилаиш ва яшариш айёми — Наврўз наҳидаси кезмоқда. Замҳарир қиш чекиниб, юртимиз қир-адирларида бойчечак буй кўрсатди. Бепоён далаларда ниш ураётган ут-уланларни, куртак очётган дов-даракларни баҳорнинг майин насимлари оҳиста эркаламоқда. Кут-барака, эзгулик, меҳр-оқибат, бунинг учун солиқлик сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

...Сумалак — миң дарда даво тансиқ таом. Қўнчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳилликдан тотли бўлган нёсма! Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқонларда сумалак пиширади. Қўн-қўшни, маҳалла-қўйга тарқатади. Бу танларга қувват, турпа тиниқлик бағишлайди. Узро меҳр-оқибатини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасида сумалак тайёрланиши ана шундай миллий қадриятларимиз, эзгу интилашларни ифодалайди. Шўх-шодон болакайлар «Сумалак» қўшигини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юдузлари, ёш хонадонлар уларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини куйро этадилар.

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнглида фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоиси таралмоқда, борлиқини уйғутувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиналари давом этмоқда.

Толбжон НИЗОМОВ «Mahalla»

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИДА ТАЪСИРЧАН ОМИЛ

< [1]

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тинчланган ҳисоботлар чоғида аҳолининг фаол иштироки эгани, ташаббускорлиги одамларда ўз ҳудуди раванки ва ривож учун дахлдорлик ҳисси тобора ўсиб бораётганини аниглади.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Йилида туман иқтисодиёт бўлими бошлиги вазифасини бажарувчи Х.Тураҳужаев тижорат банкери томонидан хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Шундай экан, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдан барчамиз манфаатдоримиз. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги фуқароларга доимо яқиндан кўмак бериб келамиз. Мазкур тадбирда ҳам маҳалла аҳли фаол иштирок этди, кредит олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мутасаддиларга мурожаат этишди.

Туман бандликка кўмаклашди ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бошлигининг «Шарқ ҳақиқати» маҳалласида аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусидаги, туман тибиёт бирлашмаси бош шифокорининг Г.Абдуллаев номидаги маҳаллада аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантириш борасидаги ишлар ҳақидаги, туман тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси раҳбарининг Абдураҳмон Жомий номидаги маҳалла гузаридида аҳолига коммунал хизматлар курсатиш ҳолати ва истиқболлари юзасидан берган ҳисоботлари чоғида ҳам маҳаллалар аҳли фаол қатнашиб, қўрилган масалалар билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

таклифлар ўрганилиб, мавжуд муаммолар тегишли ташкилотлар томонидан ўз вақтида бартараф этилди.

Маҳалла жамият ҳаётининг турли соҳалари ривож учун масъулияти ортаётган ноёб институтдир. Унинг таъсирчан иш услуби қўлланилганда ҳудудлардаги ободонлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ ва умуман, ҳар қандай мураккаб масала ҳам ечим топиши мумкин. Зеро, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ижро ҳоқимиятининг фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати механизмининг тақомиллаштириш мўҳим вазифи. Бундай назорат ижтимоий субъектларнинг ижро ҳоқимияти фаолияти қонунийлиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликларига риоя этилишини баҳолаш ва текширишга қаратилган фаолият экани билан ҳам эътиборлидир.

Феруза ЭГАМОВА «Mahalla»

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

ОБОДОНЛАШТИРИШ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТАДИ

< [1]

Ушбу ойлик доирасида юртимизда 16-17 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Республикаимиз миқёсида ўтган мазкур тадбир давомида ҳудудлардаги турар-жой маззелари ва маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали, манзарали дарахтлар экиш, дарахтларни оқлаш ва уларга шакл бериш, кўча ҳамда йўлакларни тартибга келтириш, қишлоқ ва шаҳар маҳаллалари, аҳоли яшаш пунктлари, кўпқаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зияратгоҳлар, қабристонлар, ариқлар ва лотокларни, болалар майдончаларини тартибга келтириш, кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашувчи борасида талайгина ишлар амалга оширилди.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Юмшлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, Андижон вилояти Асака тумани Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини, Навоий вилоятида Кармана тумани «Дўрмон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Дарё бўйи» ва «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида спорт майдончалари фойдаланишга топширилди.

Хоразм вилояти Богот туманидаги «Ашқобод» ва «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғинлари янги хизмат биносига кўчиб ўтди. Янгибозор тумани Каттабўғ қишлоғида аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ўз фаолиятини бошлади. Урганч шаҳар Ал-Хоразмий шохқўчасидаги ўйингоҳ болалар ихтиёрига берилди.

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Қамолот», Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғинлари янги бинога кўчиб ўтди. Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Тадбиркор» маҳалла фуқаролар йиғини биноси қайта таъмирланди.

Ҳашар кунлари ижтимоий ҳимояга мўхтож оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилади. Хусусан, фондининг Фарғона вилояти бўлими бошқаруви томонидан Қўқон маҳсури касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун 5,5 млн. сўмлик кийим-кечақлар, Фарғона шаҳридаги «Симтепа» маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони, уй шароитида таълим олаётган 5-синф ўқувчиси Алижонов Довулбекга компьютер совға қилинди.

Бутун мамлакатимизни ҳамраб олган мазкур тадбир юртдошларимиз кўнглидаги эзгу истакларнинг, яратувчанлик иштиёқининг ўзига хос ифодаси бўлди. Ҳашар юрт, миллат манфаати йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳамюртларимиз ўз салоҳиятини намойиш этиш учун яна бир имконият яратди.

Муҳтасар айтганда, республикамизнинг барча ҳудудларида умумхалқ хайрия ҳашари кутаринки руҳда ташкил этилди. Ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ойлари жойларда давом этмоқда.

Элбек ЖУМАНОВ «Mahalla»

ЭЪТИРОФ

ИЛДИЗИ ТЕРАН, ҚАДРИЯТЛАРИ БАРДАВОМ

< [1]

Амиқо юртимизга ташриф доирасида ўз хулосалари билан ўртоқлашаркан, ҳозир яшаб турган Бухоро шаҳри мисолида ўлканнинг бафқат тарихий обидалари, бабки замонвий бунёдкорлик тажрибасини ҳам алоҳида эътироф этди.

Маҳалла халқинининг барча эзгу сифатлари қуртақ очадиган, ривожланидиган ва таъбир жоиз бўлса, ардоқлаб сақланадиган гўша экан, — дейди А.Нишижима. — Бу ерда қўшнилар, маҳалладошларнинг бир-бири билан аҳиллиги, яхши-ёмон кунларда суянч бўлиб, қўллаб-қувватлаши ҳавасини уйғотди. Ўзбекистонга келганимнинг иккинчи ойи эди. Юқори қавадат турадиган қўшнимиз кичикроқ бир тадбир қилаётган экан. Шунга мени ҳам таклиф этди.

Маҳалладошлар муносабати биздаги қариндошчилиқдан ҳам яқинроқ экан. Мехмондорчиликда мезбонларнинг муносабатидан бир қувонган бўлсам, маҳалладошларнинг мени «ўзариники» сифатида қабул қилишганидан янада қувондим.

Ўзбекистонда мени ҳайратда қолдирган яна бир жиҳат кишилар турмуш тарзида миллий қадриятлар, анъаналарнинг сақланиб қолганидир. Масалан, болалар, умуман, кичик ёшдаги киши узидан ёши катталарга, албатта, биринчи бўлиб ўлхаш беради. Жамоат транспортда ёши катта ёки аёл кишига жой берилади. Кейин билсам ана шу сифатлар ҳам бевоқиф маҳалла, оила бағрида шаклландирган экан. Ота-она учун маҳалладошнинг «фарзандингиз менга салом бермади», «жамоат жойда ёши улуг кишига ҳурмат кўрсатмади» қабилдаги ёки бирор номаъкул иши юзасидан қилган шикоятдан оғирроқ дашном йўқ экан. Шу боис ҳар бир бола, умуман ҳар бир киши, аввало, ўзи ҳақида яхши таассурот қолдириши, қолаверса, ота-онани шайига ёмон сўз олиб келмаслиги учун маҳалла, жамоат орасида ҳаракатлари назорат қилиб борилади. Бизда бу каби муносабатлар, жамоат тартиби қатъий қонун асосида, тегишли жазо чораси

қўлланилиши билан қўриқган ҳолда ўрнатилса, сизда бевоқиф маҳалла назорати орқали амалга оширилар экан.

— Ўзбекистонга келганимга яқинда икки йил тўлади, — дея фикрини давом эттиради Амиқо хоним. — Шу вақт ичиди халқинининг феъл-атвори, турмуш тарзига аича кўниқиб қолдим. Айниқса, маҳалла ташаббуси билан дам олиш кунлари ўтказиладиган ободонлаштириш ишлари, яъни ҳашарнинг фойдаси бошқача экан. Бир гал мен истиқомат қилаётган Бухоро шаҳридаги «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мўмина Яхёева барчани ҳашарга чақирди. Ишонасизми, барча, ҳатто бирор юмушга шойилиб кетаётган кишилар ҳам ҳашарга келишди. Мен ҳам ҳашарга чиқдим. Аммо маҳалладошлар супурги ушлагани кўйишимдади. «Мехмонсиз, сизни ишлатмасан уят булар», дейишди. Қўшнимиз мени аяган, авайлаган бўлса-да, очиги, ўша топда бироз хафа бўлдим. Ахир, мен ҳам шу ерда яшасам, нега маҳалланинг аъзоси бўлолмайман.

Шу сўзларимни ҳалиги қўнишга тушунтирганимдан сўнг «раҳмат, сизга» деди-да, қўлидаги супургини тутқизди. Ўша пайтда менинг ҳам хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Ахир маҳалланинг бир аъзоси бўлиш, унинг ободончилигига ҳисса қўниш кишига ҳузур бағишлар экан.

Уша тун Японияга, онамга телефон қилдим. Ўзбек маҳалласидаги ўзгача муҳит, бу ерда кишиларнинг бир-бирини қўллаши, ўзаро меҳр-оқибат ҳақида гапириб бердим. Ойимнинг айтишича, қадида, ҳатто бундан элик йилча бурун бизда ҳам маҳаллага ўхшаш «Мура» деган тузилма бўлган экан. Аммо вақт ўтиб у жамият ҳаётидан йўқолиб кетган. Фикримча, бутунги глобал таракқиёт жараёнида маҳаллага ўхшаш институтлар жуда ҳам зарур. Негаки, ахборот асри, улкан таракқиёт эврилишлар даврида баъзан миллий анъаналар, қадриятлар иккинчи даражага тушиб қоландек бўлади. Буни ўз юртим мисолида айтишим мумкин. Шундай кезларда маҳалла ана шу қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда мўҳим маскан бўлиб хизмат қилади. Шу нуқта назардан мен Ўзбекистоннинг ўз маънавий илдизидан ажралмаган ҳолда барқарор ривожланиш йўлига ҳавас қиламан.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»

ТАДБИР

Дўмбираободда байрам шодиёнаси

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Дўмбираобод маҳалласида уюшқоқлик билан ўтказилган ҳашар Наврўз шодиёналарига улашиб кетди. Ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари яқунланган, маҳалла аҳли бир дастурхон атрофида жам бўлди.



ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Уюшқоқлик ва ташаббускорлик руҳида

Наврўз умумхалқ байрами оддидан ўтказилган икки кунлик ҳашар эрта тонгдан уюшқоқлик билан юқори кайфият ва ташаббускорлик руҳида бошланди.

Пойтахтимиздаги кўпқаватли уйлар атрофи тоза, озодлиги ана шу ҳудудларда умргуздорлик қилаётган аҳолининг жонажон масканларига юксак эътибордан далолат беради. Ҳашар кунлари шаҳримиздаги барча кўпқаватли уйларда ободонлаштириш, кўккаламзорлаштириш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш, янги кўчатлар ўтқазиб ишлари оммавий тус олади: эзгу ишдан ҳеч бир киши четда қоламади.

Корхона ва ташкилотлар, муассасалар, таълим масканлари, маҳаллаларда қизгин тус олган икки кунлик ҳашар одамларга байрам кайфиятини бахш этди.

Тадбир мобайнида 1263,5 гектар майдон ободонлаштирилиб, 1875,6 тонна маиший ва қўрилиш чинқиқилари белгиланган жойларга ташиб чиқарилди. Умумий ҳисобда 787,4 километр узунликдаги ариқ-зувурлар тозаланиб,



сув йўллари раванлаштирилди. Шу билан бирга, 84 минг туздан зиёд мевали, 276 минг туздан зиёд манзарали кўчатлар экилиб, уч юз минг тушга

яқин дарахтларга шакл берилди, оқланди. Фуқаролар йиғинлари томонидан ёрдамга мўхтож оилаларда жами 17982

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

ЮРАҚДА ИФТИХОР ТУЙҒУСИ БИЛАН

Тошкентнинг «Дегрез» маҳалласи ҳақида сўз юритилганда беихтиёр кўз унгимга Зулфияхоним сиймоси келади. Бунга шоярнинг ўз маҳалласи, отаси Исроиқ дегрез ҳақида ёзиб қолдирган хотираларини ўқганим сабаб бўлса керак, назаримда.

Замон тўфонлари бу маҳалла тарихини бир четга суриб чиқарган вақтлар ҳам бўлди. Бироқ қозғоқ қатларидан учирилган ушбу ном инсонлар хотирасидан ўчиб кетмади. Ҳудуднинг ўзига хос тарихини билган киши уни бошқача номда тасаввур этишга қийналиши табиий эди. Зеро, Юртбошимиз Исроқ Қаримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига таъкидланганидек, «Қадамий» номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз ифодасини тошган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2012 йил 28 декабрдаги «Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шаҳар ҳудудидида 279 та кўча ва маҳалла номлари ўзгартирилди. Янги ташкил этилган номсиз кўчаларга ҳудуд тарихи ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, янги номлар берилди. Жумладан, «Дегрез» маҳалла-

сидаги Абдулла Болтаев номидаги кўчанинг ҳам қадамий номи — «Дегрез» қайта тикланди.

Тошкент шаҳрида собиқ итифиқ мафқураси таъсирда берилган, кўчлик учун нотаниш бўлган кишиларнинг исм-фамилиялари билан аталувчи номлар кўп учради, — дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси Наврўз Мусаев. — Ана шу жойларнинг тарихий номларини тиклаш, уларга ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган атамалар бериш борасида шаҳар ҳоқимлигида махсус комиссия иш бошлаган. Ҳозирги кунда кўлаб географик объектларнинг номлари ўзгартирилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги «Обиназир» кўчаси номи ҳам бой тарихга эга. Бироқ шунга қарамай, яқин-яқингача Қўзи Шарқ, деб аталиб келинардди. Ёки Яккасарой туманидаги Ҳамза Умаров номидаги кўчанинг

қадида шаффоф чашмалари доврғ қозонгани боис Тошбулоқ, деб аталган шўро даври мутасаддиларини қизиқтирмаган ҳам.

Президентимизнинг 2012 йил 16 мартдаги халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқи бу борада барча тегишли идоралар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Унда, жумладан, шундай дейилади: «...Тошкент шаҳрида барпо этилган янги аэропорт биноси билан танишар эканман, ёна-рофдаги баъзи кўчаларга номлари қўйилган шахслар ҳақида сураганимда, ишонасизми, ҳеч ким аниқ бир маълумот бера олмади. Мана эди бу масала ҳам бутунлай янгича ёндашиб, маъсулият билан, ҳар томонлама пухта уйлаб иш қўриш вақти келди».

Географик объектларга ном беришда ҳудуд номини соддалаштириш ҳам мўҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, Юнусобод туманидаги «Тожиловон Альёсов» кўчаси «Тожиловон» номига қисқартирилди. Қолаверса, тумандаги «Ҳасанбой» маҳалласида жойлашган янги тор кўчага «Баракка», Ҳамза Умаров номидаги кўчага «Гўзала» маҳалласидаги янги тор кўча-



га «Сокин» номига берилгани кўчаларимизнинг ўзига хос замонвий кўринишидан дарак беради.

Исм инсон тақдирини буткул белгилаб бермасан-да, маълум маънода унга ўз таъсирини кўрсатади. Маҳалла номлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро, юксак қадриятларимиз намунаси, бой тарихимиз шох-

қиб метр ҳажмидаги уй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланди. Шунингдек, уч мингта яқин кам таъминланган оилаларга мурувват ва саховат ёрдамлари кўрсатилади. Бу ишларнинг барчасига 105361,1 минг сўм маблағ ажратилди. Умумхалқ хайрия ҳашарида бир миллион бир юз минг нафарга яқин пойтахтликлар фаол иштирок этишди.

Жавдат ИНОҒОМОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси

Умида УЗОҚОВА, журналист.

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

ҲАР БИР ҲУДУД ЯНГИЛАНИШ, ЮКСАЛИШЛАР ОҒУШИДА

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви томонидан Обод турмуш йилда овул ва маҳаллаларда оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича аниқ тизимли ишлар йўлга қўйилган.



Аҳоли баъдчилиги таъминлаш, шубҳасиз, оилалар фаровонлигини юксалтиради. Жорий йили республикада 31804 та янги иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган. Айтилган 4598 нафар юртдошимизнинг ўзи қизиққан иш билан таъминланиши ва улардан 85 нафари жамоат ишларига жалб этилишида бўлимизимиз хизмати катта.

Матери қўрсатилмоқда. Банкнинг 200 миллион сўм миқдоридagi имтиёзли кредити эвазига қад ростлаган, дорихона, новвойхона, тикувчилик цехи, атторлик, озиқ-овқат ва ҳужайра моллари дўкони, гушт растаси ва чойхонани бириктирган мажмуада 40 нафардан зиёд йилгит-қиз доимий иш билан таъминланади. Шаҳардаги «Таслак» маҳалласи

марказида Мухтор Бекниёзов ўнга яқин хизмат турларини йўлга қўйиб, 20 кишини муқим ишга банд этди. Чимбой туманидаги 10-сонли маҳаллада «Агротехсервис» МЧЖда 6 нафар киши қишлоқ ҳўжаиғи техникаларини таъмирлаш билан шуғулланаётган. Аҳоли баъдчилиги таъминлашда миллий ҳўнармандчилигимиздан унумли фойдаланиш, ҳўнар эгалари имкониятини ишга солишиниғ афзаллиғи бисёр. Бу борада «Хўнарманд» бирлашмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ҳаракатлар ҳам самара беряпти.

Каштачи Д.Исмoilова, дурадоруста А.Отарбаев, миллий чопонлар дизайнери Б.Хўжаниёзов, чевар Г.Ембергенова ҳамда Б.Самандарова тайёрлаган маҳсулотлар бежирим кўриниши, юқори сифати билан ажралиб туради. Бўлимизимиз томонидан республикада оилавий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли баъдчилиги таъминлашни кучайтиришга доир чоратадбирлар режасининг ишлаб чиқилгани маҳаллани оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантиришга хизмат қилади, албатта.

К.ЕЛМУРАТОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси.

Инсонийлик ва саховат акс этган



Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидаги маҳалла ҳамда овулларда умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилади.

Азаддан халқимиз ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилалар ҳўлидан хабар олиш, уларга имкон қадар меҳр-мурувват, хайр-саховат қўрсатиши шарафли бурч ҳисоблаган. Анъанага кўра, бу йили қўтутғ айём арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашари кўнарида қорақалпоғистонликлар ушбу элгу фазилатларни яна бир қарра намоён этишди.

Хўсустан, Кўнгирот туманида бешта кам таъминланган ва ёлғиз кишиларнинг турар-жойлари хашар йўли билан таъмирлаб берилди. Шўнингдек, «Мошкала» маҳалласидаги 102 ёшли Минхайон ая Сапарова ва Мийнет абаб овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 107 ёшли Ҳафиза момо Утемуратовага моддий ёрдам қўрсатилди.

Бундай инсонпарварлик, саховатпешалик ёрдамлари республиканинг барча шаҳар ва туманларида амалга оширилди.

ТИББИЙ КўРИК

«Ёш никоҳ қўлланма», «Ёш никоҳ қўрувчилар учун тиббий кўриқнинг аҳамияти», «Турмуш кўрамини, лекин...», «Қайтарилмас ёшлик баҳори» мавзуларидаги 60 хил тарқатма материаллар овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларига етказилди.

Никоҳ — муқаддас уду, у йилгит ва қизнинг узаро муҳаббати ва ҳўрмати асосида тузилиши жоиз. Юртимизда оилаларнинг чинакам бахт кўргонларига айланиши учун бор имкониятлар ишга солиняпти. Аммо шўни унутмаслик керакки, никоҳданувчилар руҳан ва жисмонан соғлом бўлсаларгина, бу турмуш йитгиғоки мустақкам бўлади.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

ОИЛА САЛОМАТЛИГИ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимизда оила институтининг жамиятдаги ўрни ва иштирокини ошириш, унинг ҳўқуқий, иجتимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида бир қанча ишлар амалга ошириляётган. Миллий қонунчилигимизда ҳам оила муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш, муносиб ҳўйма этиш кўзда тутилган.

Жумладан, Оила кодексида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, айниқса, никоҳданувчиларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари оид қўндааларнинг киритилгани муқаддас даргоҳни асраб-авайлаш, кишиларда оила кўриш масъулиятини ошириш, юрт ва фарзандлар истиқбол учун гамхўрликнинг яққол ифодаси, дейиш мумкин. Соғлом оилани шакллантиришдан ушбу

мақсадга эришиш йўлида амалга ошириляётган саяё-ҳаракатлар натижасида болаларнинг ирсий ва бошқа турли хил туғма касалликлар билан туғилиши кўрсаткичлари, оналар ва болалар ўлими кескин қисқармоқда.

Шифокорлар, ФХДЁ бўлимлари, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари масбул ҳодимлари иштирокида ташкиллаштириляётган турли

тадбирлар, семинарлар давомида никоҳданувчиларнинг сифатли тиббий кўриқдан ўтишларини таъминлаш, бу борада дўч келинаётган айрим муаммоларни бартараф этиш, соғлом оила кўриш гоёсини ёшлар онгига синдириш каби тавсиялар бериб бориламоқда.

— Жорий йил мобайнида никоҳданувчиларнинг тиббий кўриқдан сифатли ўтишларини таъминлаш, ёш оилаларни мустақкамлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида 2 марта семинар ва 48 марта давра сўхбати ташкил қилинди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бош мутахассиси Аруҳон Келимбетова. — Республикадаги 401 та фуқаролар йиғини қўшида ташкил эти-

ган 390 та жамоат кенгаши бу борадаги ишлар мониторингини юргизмоқда. Овул ва маҳаллаларда 1342 марта ўтказилган тартибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида никоҳданувчи ёшларга тиббий кўриқ ва қонуний никоҳнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди.

Никоҳданувчиларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши ҳамда аниқланган касалликларнинг ўсиш-камийиш кўрсаткичлари мунтазам назоратга олинган. Натияжалар кўнари — никоҳ қўраётган ёшларда учрайдиган айрим касалликлар йилдан-йилга камаймоқда.

ФХДЁ бўлимлари қўшида 18 та «Ёш оила мактаби» фаоляти юрляётган. Обод турмуш йилининг ўтган даври мобайнида Фонд бўли-

ми бошқаруви ташаббуси билан 91 та фуқаролар йиғини, 128 та умумтатальим мактаби, 7 та академик лицей, 51 та касб-ҳўнар коллежи ҳамда 6 та олий ўқув муассасасида «Мустақкам оила — умр мазмуни», «Оила саломатлиғи болаликдан бошланади», «Бахтли оила кўришининг асосий қўндаалари», «Турмуш кўриш учун ёшларга керакли маслаҳатлар» мавзуларида ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида 281 марта учрашув, 3 марта давра сўхбати ҳамда 2 марта ўқув-семинар ўтказилди. Соғлом оила барпо этиш, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида овулларда 674 марта тартибот ва ташвиқот ишлари олиб борилади.

«Никоҳданувчиларга ҳўқуқий-

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Мурувват — халқимизга хос фазилат

Андижон вилоятида умумхалқ ҳашари сайлига айланб кетди. Бу ишда вилоятдаги 867 та фуқаролар йиғини аҳолиси жонбозлик кўрсатди.

Ободонлаштириш ишларида 2 миллиондан зиёд аҳоли қатнашган бўлса, шулардан 1,5 миллиондан ортини ёшлардир.

Кўкаламзорлаштириш ҳамда машиш чикиндиларни ташиб чиқариш, даракт ўтқазуш уюшқоқлик билан ташкил этилди. Энг муҳими, шу

кўнари бева-бечора, боқувчисини йўқотганлар ҳўлидан хабар олинди.

— Наврўз айёмида остонамдан одам узилмагани қалбимга қанчалар кувонч бағишлаганини сўз билан таърифлаш қийин, — дейди Олтинқўл туманидаги «Офтоба-

чек» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Абдулҳамид Тошматов. — Ахир, инсон қадри дийдор билан, бир-бирини йўқлаш билан ўлчанади.

Ҳашар кўнари Пахтаобод тумани Бобур номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи

Кумриҳон Камолова, «Хайр-обод» маҳалласидан Дилоромхон Ортиқова, Олтинқўл туманидаги «Ўрта» маҳалласидан Эргашхон Содиқова каби жисмоний имконияти чекланган фуқаролар ва кам таъминланган оилалар ҳўлидан хабар олинди.

БУНЁДКОРЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

ТУРМУШ ОБОДЛИГИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



620 та, 2011 йилда эса 665 та, ўтган йили 770 та янги уй қўрилиб, фойдаланишга топширилди. Обод турмуш йилида бундай муҳташам турар-жойлардан 900 таси қишлоқ кишиларига армуғон этилади.

— Янги уйда ўлим, келиним ҳамда набирам билан яшаймиз, — дейди Олтинқўл туманининг Кўмакай массивида қўрилган намунавий уйда яшовчи Арофатхон Раҳимов. — Турт хонали иморатимизнинг меъморий ечими кўрганларнинг ҳавасини келтиради. Кенг, ёрут хоналар пардозини ҳам кўнгилдагидек, қўлайликларни бисёр. Ошхонамизда табиий газ турилияпти, жўрмакини бурсангиз сув келади. Очиги, бундай турмуш тарзи тушимизга ҳам кирмаганиди.

Кўмакайни бугун қишлоқ демайсиз, мисоли кичик шаҳарчадек буй кўрсатди. Бу ерда 58 та янги уй қаторида савдо, сервис, машиш хизмат қўрсаткиш шохобчалари ҳам ўрин олган.

— Маҳалламиз идораси биноси янги уйлارга монанд бўлишига эътибор қаратганимиз, — дейди Кўмакай қишлоқ фуқаролар йиғини масъула котиби Дилхўшбек Мирзабахромов. — Янги қиёфа касб этган биномизда Наврўз байрамини ўтказмоқчимиз. Яхши ният билан сумалакка бугдой ундирдик.

Мана шундай фаровонликни вилоятнинг ҳар бир гўшасида кўриш мумкин. Кўварларис, йиғинлар бинолари ҳам маҳаллалар тароватига мос тарзда сайқал топяпти. Қисқа вақтда 34 та маҳалла биноси реконструкция қилинди. Бунга Фонднинг Андижон вилояти бўлими томонидан 290 миллион сўм маб-лағимизга қўйилган, бир ҳақиқатни қўқур англаб олишимиз зарур. Янги ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шартини — бу аввало, маҳаллани обод қилиш демақдир», дея таъкидлаганди. Бугун Андижон вилояти қишлоқларида таширф буюрган киши давлатимиз раҳбарининг ана шу илҳомбахш сўзлари изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этиляётганга гўвоҳ бўлади.

Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиғига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Биз қилиш вазифасини одамизга қўйар эканмиз, бир ҳақиқатни қўқур англаб олишимиз зарур. Янги ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шартини — бу аввало, маҳаллани обод қилиш демақдир», дея таъкидлаганди. Бугун Андижон вилояти қишлоқларида таширф буюрган киши давлатимиз раҳбарининг ана шу илҳомбахш сўзлари изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этиляётганга гўвоҳ бўлади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА — РАҒБАТЛАР ОМИЛИ



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олтинқўл тумани бўлинмаси иш фаоляти билан танишиш асносида бир тажриба эътиборимизни тортди. Бу ерда йиғинлар ҳузурдаги комиссиялар фаолятига алоҳида эътибор қаратилди. «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорлари билан ишлаш эса, алоҳида режа асосида ташкил этилган.

«Мадирёчек» маҳалласи посбони Орузбек Розиков ишга қабул қилинганидан кейин уч ой ўтди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди қўшида посбонлар ўқувини уюштириши лозимлигини тушуниди. Чунки Орузбекнинг ҳузурига кирди. Самийий сўхбат давомида Орузбек ўз маҳалласида бўлаётган айрим нохуш ҳолатларни очиб ташлашга андиша қилаётгани ҳақида гапирди.

— Истиқоматини тушуниб турибман, — деди З.Иўдошев ва босиқлик билан. — Маҳалладаги осойишталик, тинчлик ва хотир-жамликнинг асосий таянчи — сиз. У ердаги ҳар бир ҳолат диққат марказинида туриши керак. Ким ноқонуний ҳаракат қилаётган бўлса ёки жамоат тартибини бузса, бундай ҳолатлар

га вақтида чек қўйиш лозим. Уша сўхбатдан сўнг З.Иўдошева «Маҳалла» хайрия жамоат фонди қўшида посбонлар ўқувини уюштириши лозимлигини тушуниди. Чунки Орузбекнинг кўнгилдан ўтган фикрлар бошқа маҳаллалардаги йиғинлар ҳаёлидан ҳам кечаётган бўлиши мумкин-ку. У мана шу тақлифни маҳалла раислари билан ўтган йилгилишда илгари сурди. Тақлиф бир овоздан маъқулланди.

Мана икки йилдирки, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ўқув машғулотлари қизгин давом этмоқда. Машғулотларни туман ички ишлар бўлими, прокуратура ҳодимлари, ҳўқуқ-тартибот органлари вакиллари, шўнингдек, маҳаллаларнинг фаол

раис ва маслаҳатчилари олиб бормоқдалар.

— Очиги, ушбу ўқув жараёнида кўп нарсаларни ўргандим, — дейди «Янгиёчек» маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Шавкат Борзоров. — Негаки, инсон, энг аввало, ўз зиммасидаги масъулиятни қўлтириши, бажариши лозим бўлган вазифани чўқур идрок этиши шарт.

Яқинда «Жалабек» маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Маъруфбек Матисаев «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Олтинқўл туманида 8 та қишлоқ, 56 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Аҳоли сони 150 миғ нафардан зиёд, 14 та маҳаллада милиция таянч пунктлари ишлаб турибди. Бундан ташқари, 24 та жамоатчилик назорат масқанида тўғи навбатчилик йўлга қўйилган.

— Биз посбонларнинг хизматидан хурсандим, — дейди Олтинқўл тумани ҳоқими Акмалжон Жалолов. — Шўнинг учун ҳам уларнинг кайфиятини кўтариш, ишга муносабатини янада яхшилаш чора-тадбирларини кўряптим. Наврўз байрами кўнарида маҳалла посбонлари ўртисида спорт мусобақалари ташкил қилиб, голийларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаймиз.

Ана шундай беллашувларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ва ҳоқимлик томонидан 1,5 миллион сўмлик совғалар ажратилди.

Доимий гамхўрлик маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, оилавий жанжалларга барҳам беришда қўллашапти.

Мухбиримиз.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Яратиш ва яшнатиш иштиёқида

✓ Бухоролик етти пир силсиласидан ўрин олган Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳи вилоятдаги муқаддас қадамжолардан бири. Ҳашар кунлари бу табаррук жой Вобкент туманидаги Анжирбоғ маҳалласи аҳолиси томонидан янада ободонлаштирилди.

Ҳашар кунларида халқимизнинг аҳилиги, ўтганлар рўҳига эҳтиром баҳо келтиришдек эзгу аъёнлари яққол намоён бўлди. — дейди зиёратгоҳ боши имом-хатиби Олим Очилов.

— Шу кунни маҳалладошлар кўмаги билан қадамжоларга 130 тупдан зиёд гул, 70 тупдан зиёд мевали дарракт кўчатлари ўтказилди. Саховатпеша инсонлар кўмаги билан таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Вилоятда 957 минг нафардан зиёд аҳоли жалб этилган Ҳашар давомида 2207 гектар майдон, шу жумладан, 835 та зиёратгоҳ ободонлаштирилиб, 1373 километр узунликдаги ариқ-лотоклар тозаланди. 698 мингдан зиёд манзарали, 56 мингтача мевали даррактлар ва 598 миң тупга яқин гул кўчатлари ўтказилди. 695 миң туп дарракт шакл берилиб, оқланди.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ЙИГИН ЭЪТИБОРИДА



гнинг берган ҳисоботида. — Чунки, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом она ва соғлом бола йўналишидаги тарғибот ишлари ҳамда амалий ҳаракатларимиз натижа-сида ҳудудда оналар ва болалар ўлими, тугма ногиронлик қайд этилмади. Қолаверса, темир саплементацияси ва йод тақсирлигининг олдини олишда болалар «Ферронат» (темир препарати), «Микройодид», «Йодомарин» сингари препаратлар билан таъминлаб турилади. Мактаб ўқувчилари учун «Бўқоқ» — авфали касаллик, «Темир танқислиги — анемия сабабчиси» мавзуларида махсус дарслар ташкил этилди. Мазкур йўналишдаги ишларимиз натижа-сида ҳудуд аҳолиси ўртасида оғир ва биринчи даражали анемия 100 фоизга баргараф этилди. Ҳолбуки, беш йил илгари масканимизга мурожаат қилган 200 нафарга яқин аҳоли ўрта, 50 нафарга яқин эса оғир даражали камиондан азият кечкарди. Шунингдек, ўша йилларда бўқоқ касаллигида чалинган 20 нафардан зиёд бемор рўйхатга олинган бўлса, бутун бу кўрсаткич бир нафарни ташкил этади, холос. Умуман, текширувларимиз давомида 2008 йилда ҳар 100 нафар аҳолининг 51 нафаридан турли хилдаги касалликлар аниқланган бўлса, жорий йилда бу инсонларнинг санои кам — 13 нафарни кўрсатмоқда.

Ҳа, бу мақсадди ҳамкорлик аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, жамиятимизнинг келгуси тараққиёт йўлини белгилаб берадиган баркамол авлодни дунёга келтириш ва вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан тўрт-беш йил муқаддам қизилравотликлар тиббий қуриқдан ўтиш ёхуд даволаниш учун бир неча ўн километр йўл босиб, туман марказига қатнашга мажбур бўлишар, бу эса, ортқча оворагарчиликни, сарф-харолатни келтириб чиқаради.

Нихот ҳудуддаги ҚВП маскани «Саломатлик-2» дастури доирасида мукамал жиҳозланган, аҳолига УЗИ ёрдамида ташхис қўйиш, қон таҳлили, ЭКГ ва бошқа тиббий хизматлар кўрсатила бошланди. Қолаверса, янгидан таъмирланган стационарда беморларнинг ётиб даволанишлари учун ҳам шароит яратилди.

Тиббиёт масканининг икки нафар умумий амалиёт ваи, етти нафар ўрта ва беш нафар кичик тиббий ходими ҳудуддаги қариб миң нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Фаолиятимизнинг ортда қолган сўнгги уч йилни сарҳисоб қилаётган бўлсак, бир қатор ютуқларга эришилган ойдагинашди, — дейди Ромитан туманидаги «Қизилравот» қишлоқ врачлик пункти мудири Насиба Милтиқбоева қишлоқ фуқаролар йи-

САРИШТАЛИ УЙ — ФАРИШТАЛИ УЙ

ҚУТ-БАРАКА — ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАГАНДА

Юртимизга баҳорнинг илиқ нафаси уфуриб, барчани ободончилик, яратувчиликка ундаётган шу кунларда Шофиркон тумани Хужа Ориф номидаги маҳалла аҳли ўз томорқаларини тартибга келтириш, даррактларга шакл бериш, эртаги экинларни экиш каби юмушлар билан банд.

Жумадан, ҳудудда истиқомат қилаётган Фахридин отанин ҳам қўли-қўлига тегмайди. Ҳар гап Фахридин ака хонадони яқинидан утарканман, бу ердаги саранжомликдан қайфиятм кўтарилади, унда истиқомат қилаётганларнинг нозик диди, фаҳм-фаросатига таҳсин айтаман, — дейди маҳалла раиси Илҳом Жалилов. — Ҳали тонг отмай туриб дарвоза оди сузурилиб-сидирлиб, чиннидаи тозаланади. Қўшниллар «Бунга қачон улғурдиш экан-а», дея ҳайрон. Ҳовли ичи ҳам саранжом-сарипта, тоза-озода. Томорқани айтмасми? Бу ердаги мўъжазгина анорзор, олмазор, шафтолизор, тоқзорни кўриб завқингиз ортади.

Дарвоқе, бу ҳовлидан кеч куз ва эрта баҳорда одам оёғи узилмайди. Гап шундаки, Фахридин ота — миришқор дехқон. Тоқ, анор, шафтоли кўчатлари етиштиради. Энг сара гул кўчатларини шу ердан топасиз. Оила аъзолари турт сотих ерда помидор кўчатлари етиштириб сотишади. Иссиқхона қувви ва чиритилган маҳаллий ўғит энергияси билан ишлайди. Бошқача айтганда, Фахридин ота иссиқлик учун сарф-харолат қилмайди, полиэтилен пленка остида ҳар мавсумда юз миңг дон помидор кўчати етиштиради. Бунинг ёнига уч миңг донга гул, турт миңг донга анор, беш миңг донга тоқ кўчатини қўшсангиз, оила беш со-

тихни эгаллаган анорзору олмазор, тоқзордан йилга олти-етти миллион сўм баҳорда олаётганини, оғилда уч бош қорамол, турт-беш бош қўй, катакда йигирмата говуқ боқилаётганини ҳисобга олсангиз оиланингу зўғига тўқ, фаровон яшайтганини сиридан огоҳ бўласиз.

— Ерни, — дея мулоҳаза юртади отахон, — қанча эъзозласак, шунча барака топамиз. Экин эксак, бог-роғ қилсак, ҳаво мусасфо бўлади. Чунтағимиз пул кўради. Билсангиз, саранжом-сарипталикда ҳикмат кўп. Биз бир парча ердан оқилона фойдаланиб, йилга йигирма миллион сўм атрофида даромад толамиз. Шукр, уч ўғил, икки қизни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказдик.

Отахон бир эмас, юз карра ҳақ. Халқимизнинг йиллар синовидан ўтган ажойиб бир нақдини эсланг: «Сариштали уй — фариштали уй». Бу гап бежиз айтилмаган. Тоза-озода, саранжом-сарипта уйдан фариштали аримаиди. Бундай уйга қут-барака ёғилиб туради. Шу бонсдан ҳам кейинла-ру қизларимизнинг тонг саҳарлаб дарвоза оддини сузуриб-сидириб, чиннидаи тозалаб қўйишлари одад тусига кирган. Афсуски, орамизда шу оддий ҳақиқатни унутиб қўйган оилалар ҳам учрайди. Яқинда бир маърақда шундай оилалардан бири ҳақида сўз очилиб қолди.

Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ГУЗАР ХУНАРМАНДЛАРИ

ИМТИЁЗЛАР ИМКОНИЯТНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2013» қуриқ-ганловининг Наврўз байрами арафасида бўлиб ўтган Бахмал тумани босқичида Новақ қишлоғи хунармандалари намойиш этган от эгарлари, юганлар, узангилар кўпчилигининг эътиборини тортди.

Дарҳақиқат, новақлик устлар томонидан тайёрланган буюмлар ўзининг пишиқ-пухталиги, бежиримлиги билан ажралиб туради. Бундай анжолларнинг мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида учрамаслиги эътиборга молик.

Қишлоқда уй-рўзгор буюмлари, эгар, юган, узанги каби от абзаллари, пичоқ, сандиқ ва бешик яшаш халқимиз маданиятининг бир йўналиши сифатида авлоддан авлодга ўтиб келаётгани хунармандалар аъёнларини олиқ ўтмишидан дарак беради.

Қишлоқда уста Кенжа исми моҳир эгарчи ўтган. Новақлик машҳур уста томонидан бундан 100 йил аввал ясалган эгарлар ҳали ҳам ота-болари чавандоз ўтган кишиларнинг хонадонларида сақланиб келинаётгани ҳам раст. Эндликда оталар касбини фарзандлар давом эттиришмоқда. Бундан уч йил аввал Кенжаевлар сулоласининг энг кенжа вақиллардан бири ўн уч ёшли Элмурод «Ташаббус» танловининг вилоят босқичида «Энг ёш хунарманда» номинацияси бўйича голиб бўлди. Бу йил ҳам танловнинг туман босқичида қишлоқдан турт нафар эгарчи уста иштирок этиди.

— Муस्ताқиллик йилларида қишлоғимизда хунармандалар кайта жонланди, — дейди Новақ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Фахридин Бердимуродов. — Ҳудудда эгарсозликдан ташқари, хунармандаларнинг бошқа турлари ҳам жадид ривожланаётган. Энг муҳими, бу қадимий касбларни ёшлар ҳам иштиёқ билан ўрганишмоқда.

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Мурувват ёрдами кўрсатилди

✓ Обод турмуш йилида юртимизни янада обод қилишдек эзгу ниётда ўтказилган ҳашарда, айниқса, вилоят ёшлари фаол иштирок этишди. Умуман ҳашарида қатнашган жами 891 миңг 860 нафардан зиёд аҳолининг 561 800 нафардан кўпроғини ёшлар ташкил этди.



ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ХАМКОРЛИГИ

ХАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА МУВАФФАҚИЯТ ХАМ БЎЛАДИ



Жиззах шаҳрининг йирик маҳаллаларидан бири «Зилол»да кейинги йилларда вояга етмаганлар ўртасида бирорта ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилмади.

Ёшлар тарбиясида эришилган бундай ютуқда ҳудудда фаолият кўрсатаётган «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгаши аъзоларининг ҳиссалари катта.

Маҳалла ҳудудда замонавий лойиҳа асосида янги қурилган 29-ўрта умумтаълим мактабида 500 нафарга яқин ўқувчи таълим олаётган бўлиши маълум бўлди. Ёшларнинг ўқувчи таълим олаётгани билан бир қатар, спорт ва фан тўғрисидаги иштирокчиликни янада кўрсатиш бўйича комиссия ташаббуси билан иш-роҳатда амалга оширилди. Маҳалла аҳли тўғрисидаги мўлжалланган хоналарни керакли спорт анжомлари билан жиҳозладилар. Кўпчилигининг сай-ҳаракати билан замонавий спорт мажмуаси барпо этилди. Ҳозир бу ердаги тренажер, бокс, каратэ, шахмат-шашка тўғрисида 40 нафарга яқин бола шуғулланаётган.

га ташлаб қўймай, бу ишда маҳалла фаоллари, айниқса, ёши улуглар фаол иштирок этаётгани яхши самара бераётган.

Вилоят ҳудудий жамоат кенгаши белгиланган чоратадбирлар режасини амалга ошириш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳ ўтган йили барча туманларда бўлиб, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишларни ўрганиб чиқди ва ҳамкорликни яхшилаш бўйича амалий ёрдам кўрсатди. Ишчи гуруҳи томонидан вилоятдаги 150 та умумтаълим мактабида таълимнинг сифат ва самарадорлиги таҳлил қилиниб, натижалар вилоят халқ таълими бошқармасининг кенгайтирилган йилги ҳисотида муҳокама этилди. Шунингдек, ишчи гуруҳи ҳулосалари ва тавсиялари асосида таълим муассасалари яқин бўлган ўндан зиёд савдо шохчаларида алкоголь ва тамак маҳсулотлари сотиш ман қилинди.

Мактабдан ташқари муассасалар ва спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масаласи туман жамоат кенгаши аъзоларининг доимий назоратида. Шунингдек, ўқувчиларнинг мактаб ва касб-хунар коллежларида дарсга қатнашишлари, вояга етмаганлар кечки пайларда катталарнинг қузғун-висис кўнигида жойларга киритилмаслиги, интернет-кафелар ва видеобарларнинг фаолияти назоратга олинган ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмақда. Олиб борилаётган бу ишлар вояга етмаганлар ўртасида майда безорилик, тартибузарликларнинг кескин камайишига, мактаб ва коллежларда ўқувчилар давомати яхшилашига олиб келаётган.

Дарҳақиқат, ҳамкорликда ҳикмат кўп. Бирлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда муваффақият бўлади. Айниқса, ёшлар тарбиясида бу ҳамкорлик қанчалик заруригини ҳаётнинг ўзи кўрсатилаётган.

Бек НАЗАР.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Тўйларга уланган тадбир

✓ 16 март тонгида Наманган шаҳридаги «Янги аср» маҳалла фуқаролар йиғини биноси олдидан янграган карнай-сурнай садоси барчани катта тўйга чорлади.



Хайрия ҳашари маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг 6 нафар фарзандлари хатна тўйи билан бошланди. Наҳорги ошдан сунг маҳалла аҳли уюшган ҳолда ободонлаштириш ишларига киришди. Дарахларга кашк бериш, оқлаш, янги кўчатлар утказиш ишлари оммавий тус олади.

— Вилоятдаги ҳар бир маҳалла ҳашарини ўз урф-одатларидан, долзарб юмушларидан келиб чиқиб ташкил этди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Насриддин Садридинов. — Чуст туманидаги «Наваҳор» маҳалласида яшовчи кам таъминланган Солижон Йўлдашевнинг ўйи ҳомийлар кўмағида ҳашар йўли билан таъмирланган бўлса, Учқўрғон туманидаги «Ёғду» маҳалласида қўй сўйилиб, 14 та эҳтиёжманд хонадонга тарқатилди. Наманган туманидаги Тошбулоқ шаҳарчаси маҳаллалари вакиллари эса, туман марказидаги «Етти булоқ» истироҳат боғини тартибга келтирдилар.

Маҳаллий ҳокимликларнинг эътибори билан ҳашарда уюшқоқлик таъминланди.

КАМОЛ ТОПАЁТГАН БУЮК КЕЛАЖАК



[1]

Жойлардаги исдеъодларни аниқлаш ва уларни кашф этишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан утказилган «Футболмиз келажаги» мусобақаларида Наманган туманидаги «Галча - 1» маҳалласи ёш футболчилари фаол иштирок этдилар. Йиғиннинг 11-12 ёшлардан иборат жамоаси вилоят голиблигини ҳам қўлга киритди. Стадионда ҳаваскорлар эмас, тўғри профессионал футболчилардек тўп сурган болаларнинг маҳорати кўпчилик муҳлисларида яхши таассурот қолдирди.

Бунинг боисини билиш учун жамоа билан яқиндан танишдик. Англадикки, бу қишлоқда футбол жуда оммашган. Ёшларга спорт билан шуғуланишлари учун етарли шарт-шароит яратилиб, малакали мутахассислар жалб этилган.

Галча қишлоғи ҳудуд жиҳатидан унча катта бўлмасда, аҳолиси 18 минг нафардан зиёд, 6 та маҳаллада тўрт минг уч юзгача хонадон бор. Улар, асосан, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан машғул. Шунингдек, бўш вақт топилади де-

гунча қишлоқ марказидаги стадионга ошиқдилар. Қишлоқ аҳли орасидан кўплаб номдор спортчилар етишиб чиққан. Мамлакат терма жамоаси аъзоси Оди Аҳмедов шу маҳалла фарзанди эканининг узиёқ бу эътирофимизга далил бўла олади.

— Ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик куни байрамлари арафасида қишлоқдаги маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари уртасида турли футбол мусобақалари, хотира турирлари утказиш анъанасига айланган, — дейди Галча қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жақбарали Қирғизов. — Тадбирларда қишлоқнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган футбол муҳлисари фаол қатнашдилар. Бу йил Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб утказилаётган қишлоқ биринчилигида 28 та жамоа иштирок этиш истиагини билдирган. Ҳозирда саралаш уйинлари давом этипти.

Мусобақа катталар, болалар ва ўсмирлар уртасида алоҳида-алоҳида утказилаётган, голибол байрам тантаналарида муносиб тақдирланади.

Қишлоқда футболсеварлар жуда кўп. Маҳалла майдончалари, қишлоқ марказидаги замонвий стадион доим ёшлар билан гавжум. Айниқса, узоқ вақтлардан бўён қаровисиз ётган стадион маҳаллий тад-

биркор Ҳакимжон Халилов томонидан қайта таъмирланиши футбол ривожига янги босқични бошлаб берди, десак муболага бўлмади. Бу ерда ташкил этилган 2 та сунъий мини-футбол майдончалари қишлоқ болаларининг сеvimли масканига айланган.

— Бугунги кунга келиб «Ёш футболчилар» тўғраги аъзолари сони 50 нафардан ортиб кетди, — дейди мураббий Рашиддон Мамажонов. — Биз уларнинг ҳар бири билан яқна тартибда шуғуланишга, ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб боришларига алоҳида эътибор қаратганмиз. Шу мақсадда машғулотлар доирасида машҳур спортчилар, бой ҳаётий таърибга эга нурунийлар билан турли учрашувлар ҳам утказиб тураимиз. Айниқса, стадионимиз очилишида ҳамқишлоғимиз, машҳур футболчи Оди Аҳмедов иштирок этгани ёшларимизни ниҳоятда руҳлантди. Ҳозирда «Галча - 1» маҳалласи ёшларидан иборат жамоа нафақат қишлоқ, балки туман, вилоят мусобақаларида ҳам совринли уринларни қўлга киритмоқда. Айниқса, Бобур Тошмиров, Дилмурод Дуланбоев, Азизбек Абдуразақов каби ёшлардан умидимиз катта. Улар келгусида катта стадионларда ҳам тўп суришига ишончимиз комил.

Миллионар уйини, дея таъриф олган футболни янада оммалаштиришда маҳалла майдончаларининг умиди катта. Зеро, аксарият футбол юдузларининг машҳурлиги йўли айнан ана шундай майдончалардан бошланган ҳам бор гап. Ушбу қишлоқдаги замонвий стадион эса кечатгина маҳалла майдончасида футбол ўйнаб юрган болаларнинг учун катта имкониятлар зийини очмоқда. Мураббийнинг таъкидлашича, тўғрак базасида вилоят футбол мактаби учун муносиб уринбосарлар тайёрлаб бериш асосий мақсад қилиб олинган. Демак, мазкур маҳаллада футболмиз келажаклари камолга етмоқда.

МУНОСАБАТ

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

корхоналар ривожини ва маҳсулотлар турининг ортишида қўл келаетир



Самарқандга бежизга рўйи замин сайқали, дея таъриф берилмаган. Дарҳақиқат, бу қадим масканда шаҳарсозлик маданияти, илм-фан, архитектура, санъат ва адабиёт соҳалари азалдан юксак даражада ривож топиб, даҳа ва маҳаллада миллий ҳунармандчилик марказлари сифатида доврў қозонган.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол боис шаҳар янгица қиёфа касб этди, ҳудуднинг иқтисодий қурали, ижтимоий-маънавий салоҳияти тобора ортиб бораётир.

— Шаҳримизда санаят, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш тармоқлари ва қўшма корхоналарнинг самарали фаолияти юритаётгани мамлакат иқтисоди ривожига сезиларли ҳисса қўшиш баробарида, ҳудудларимиз инфратузилмасини ҳам тўдан ўзгартириб, аҳоли бандлигини таъминлашга оми бўлаётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Самарқанд шаҳар бўлими бош мутахассиси Мухаббат Ғуломова. —

Шарҳида ҳамжihatлик ва аҳиллик муҳитини шакллантириш ҳамда оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиш учун қулай моддий, маънавий шарт-шароит яратишда фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг ўз ваколатларидан унуми фойдаланишларида кўмак, йўл-йўриқ кўрсатиляпти. Бундай саъй-ҳаракатлар бесамар кетмайди, албатта. Қадимий кент маҳаллаларида миллий ҳунармандчилик қайта ривож топиб, ишбилармон ва тадбиркорлар сони ошиб борапти. Бизнесда фаолият юртишни мақсад қилган, янгица лойиҳа ва истиқболли режалар тузиб маҳалла мутасаддилари тақдим этаётганлар кўпаймоқда. Маҳалла эса уларнинг ҳар бирига имкон доирасида ёрдам бериб келаетир.

Шаҳардаги «Найман» маҳалласида жойлашган «Самарқанд Зингер» корхонасини кўпчилик билади. Анорхон Мамадалиева бошчилигида аҳолига тикувчилик хизматларини тақдим этаётган ишчиларининг 20 нафари найманлик аёллар. Замонавий бичимдаги кийим-кечак, пальто-плащдан тортиб, кўрпа-тушак, гулли кашта билан безатилган ёстиқларгача корхона чеварларига бемалол буюртма бериш мумкин. Сифатли ва арзон хизмат кўрсатаётгани сабабли Анорхон опанинг тикувчилик цехидан миждозлар аримайди. Кейинги пайтларда йирик ташкилотлар ходимлари учун ҳам махсус иш кийимлари тайёрлаб беришга шартнома тузаётгани боис, корхона ходимларининг фаолиятида янги йўналишлар очилаётир. Истиқболли корхонадан ўрнатиб, бу ердаги иш юртишни ўрганиб, тадбиркор-

ликни бошламоқчи бўлаётганлар бисёр.

«Боғишамол» шаҳарнинг энг сўлим масканларидан. Бу ерда ҳам кейинги пайтларда ишбилармонлар сафи кенгайган. Гузаллик салони, қандалот маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва мебелчиликдан ташқари, кўпнинг кишилик шаҳар аҳолисига иссиқ нон етказиб берувчи тадбиркорлар ҳам шу ерда меҳнат қилишади. Зокир Каримов новвойликда таъриба ортиргач, катта ишга қўл урди: аҳолига сифатли нон маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида «Зокир Г.К.З» номи корхона ташкил этди. Бугунги кунда унинг хизмати элга манзур бўлаётир. Аҳоли эҳтиёжларидан ташқари, тадбиркор ҳудуддаги 34-умумтаълим мактабига ҳам нон етказиб бермоқда. Асосан, оилавий фаолият юритаётган новвойлардан 6 нафари боғишамоллик йигит-қизлар.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд шаҳар бўлими ҳамда ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусий корхона сони ортиб, ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайётгани, аҳолининг тадбиркорлик, ишбилармонлик салоҳияти тобора юксалаётгани қадрдон тузилманинг ҳам ўз ўрни борлигидан ва шу орқали мамлакат тараққиётига улуш қўшаётганидан маҳалла мутасаддилари мамнун.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ХУҚУҚИЙ ТАРБИОТ

МАСЪУЛИК ҲИССИ

Яқинда бўлиб ўтган «Намунали милиция танч пункти» курик-таълобининг республика босқичида Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги Янгиер қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 8-сонли маҳаллий милиция танч пункти голибол сифидан ўрин олади.

— Фаолиятимизга берилган бундай юксак баҳодан беҳад мамнун бўудик, — дейди профилактика катта инспектори, майор Рустамжон Нишонов. — Ҳудудимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликдаги ишларимиз муносиб эътироф этилди. Бу, албатта, зиммачилик ва масъулият янада куйайтиради.

Голиб милиция танч пункти ходимлари «Янгиер» ҳамда «Гулистон» маҳаллаларидаги 5375 нафар аҳолининг тинчи ва осойишталигини сақлашга масъул. Уларнинг 2269 нафари воёга етмаганлар экани вазифининг қанчалик залворлигиндан далолатдир.

— Ҳудудимизда 2 та умумтаълим мактаби жойлашган, — дейди Рустамжон Нишонов. — Муассасаларнинг педагог-ўқитувчилари, маҳалла фаоллари энг яқин ҳамкорларимиз. Боланинг беғонаси бўлмади, ҳар бир ўсмирнинг таълим-тарбиясига барчамиз масъулимиз. Айниқса, уларнинг дарсдан бўш вақтлардаги машғулотларини турғи ташкил этиш доимий эътиборимизда. Шу боис «Янгиер» маҳалласи ҳудуддаги иккита спорт майдончаси, битта спорт залаи унлаб секциялар фаолияти мунтазам йўлга қўйилган. «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги

доирасида олиб борилаётган ишларда ҳам фаолиликка интиляпти. Натияжада, маҳаллада воёга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони 2011 йилга нисбатан ўтган йили сезиларли даражада камгайди.

Таъкидлаш жоизки, воёга етмаганлар уртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўлимининг инспектори, капитан Дилошод Паршиев томонидан тушунтириш-тарбиот ишларига катта аҳамият қаратилаётгани, бунда, айниқса, «камалотчилар, фаол ёшлар, фуқаролар йиғини масъулари билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.

«Янгиер» маҳалласида милиция танч пункти билан фуқаролар йиғини ва таълим муассасалари уртасида мустақкам алоқа ўрнатилган. Айниқса, дарсдан ташқари ташкил этилган фан ва касб-ҳунар тўғралиқ ишлар билан ҳамкорлик бираштиради. Биргина йиғини қошидаги «Баркамол авлод» ёшлар мажмуасида ўндан ортиқ тўғрак фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла ёшлари бу ерда гимнастика, футбол, волейбол, бокс, миллий кураш каби спорт тўғралиқда шуғуланиши билан бирга тикувчилик, тасвирий санъат, кўнқошлик каби ҳунарларни нақт билан ўлаштирмоқдалар. Шунингдек, компьютер ҳамда инглиз тилини ўрга-

Жамшид БЕК
«Mahalla»

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Янги корхона — янги иш ўринлари

✓ Наманганлик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар сифатли, бежирим ва арзонлиги билан мамлакат ички бозорларини алақачон забт этган.

Айниқса, «Дамбоғ», «Амир» савдо белгиси туширилган катталар ва болалар оёқ кийимлари харидорчилиги билан ажралиб туради. Эндликда улар қаторига «Дийдор Люкс-текстиль» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари ҳам қўшилади. Наманган туманидаги Галча қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда иш бошлаган янги корхона қисқа фурсатда эл оғзига тушди.

— Ҳозирда ҳудудимиздаги 6 та маҳалладан 40 нафар ёш мазкур корхонада иш билан таъминланди, — дейди йиғин раиси Жақбарали Қирғизов. — Шунингдек, йиғирма нафардан ортиқ ўсмирга ҳунар ўргатиш ҳам режалаштирилмоқда. Бу ишларга бошқоқ бўлаётган тадбиркор Тоҳиржон Шералиевнинг саъй-ҳаракатини қўллаш қувватляпти. Туман ҳокимининг қарорига асосан, қишлоқнинг ҳудуддаги бўш турган яна бир иш тадбиркор иштироғи берилди.

Бу жойга болалар кийим-кечкалари ва пойабзаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонвий технология урнатилди. Қувонарлиси, яна қирқта янги иш ўрни яратилди.

Муҳбиримиз.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ТАЛАБ, ИСТАК ВА ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

Умридан барака топсин, Сабоҳат опанинг ёрдами билан «Navbahor textile» хорижий корхонасига ишга жойлашдим. Опа депутат сифатида ҳамisha биз билан учрашиб, ҳол-аҳволимизни сўраб туради, қувончу ташвишларимизга шерик.

Наваҳор туманидаги «Сарой» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шарос Хидирова халқ депутати Навой вилояти Кенгаши депутати Сабоҳат Раҳимова ҳақида ана шундай илмқ фикрларни билдириди.

Сабоҳат опа депутатликка сайланган 15-Наввий сайлов округи ҳудудда 2 та қишлоқ, 11 та маҳалла фуқаролар йиғини, 6 та умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи бор. Қаҳрамонимиз халқ вақили сифатида сайловчиларнинг ишончини қозониб, уларнинг талабларини қонуний ҳал этиш учун, аввало, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида қабул кунлари, телефон рақамлари ёзилган эълонлар ташкил этган. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларининг сессиялари ҳамда қўшма мажлисларида муҳокама этилган масалаларни жойларга вақтида етказишга интиляди.

— Пойтахтимизда утказилган «Тадбиркорлик тамоиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» мавзусидаги ўқув-семинарида иштирок этдим, — дейди Сабоҳат опа. — Навваҳор агроиктисодий касб-ҳунар коллежи жамоаси,



«Арабсарой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги маҳаллалар аёллари билан учрашув уюштириб, уларга семинар таассуротларини етказдим. Битирувчилардан 14 нафарига тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун кредит ёрдамлари омишда амалий ёрдам кўрсатдим.

Сабоҳат Раҳимова Навваҳор тумани бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда «Сарой», «Карвон», «Ҳашман» маҳаллаларидан мурожаат этган 22 нафар фуқаро маҳалла ҳудуддаги кичик корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилади. Савдо дўкони, тикувчилик, кашпачилик ва гузаллик салони каби маънавий хизмат кўрсатувчи янги иш таъини ҳам таъин қилиш мумкин. Чунки унга ишонч бидириди, депутатликка сайлаган халқнинг талаби, истаги шундай.

Ҳам учрашув-мулоқотлар уюштирмоқда. Аҳоли билан юзма-юз суҳбатларда мустақилликнинг моҳиятини янада чуқурроқ англатишга, давлатимизнинг оқилона сиёсатини тушунтиришга ҳаракат қилаётир.

— Афсуски, айрим депутатлик сурвонмадари тегишли ташкилот ва корхона раҳбарлари томонидан эътиборсиз қолдириди, — дейди суҳбатдошимиз. — Жумладан, «Армижон» ва «Дуладу», «Вомитон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда қўшимча газ тармоғи улаш, 5 километр масофадаги йўлга асфальт ётқишиш, «Чорвоқузар» ва «Сарбозор» маҳаллалари маъмурий бинога эга эмаслиги каби масалалар ҳануз очиқ қомақда. 14-умумтаълим мактаби учун янги бино қуриш тақдирини халқ депутати вилоят Кенгаши сессиясига киритилди. 2012 йил 1 мартда депутатлик сўрови билан вилоят ҳокимлигига йўнал-

тирилган сўров хати вилоят «Капитал қурилиш инжинири» компаниясига йўналтирилди. Компания раҳбари томонидан мактабнинг янги биноси қурилиши 2012 йил инвестиция дастурига киритилмаганлиги, 2013-2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурининг 2013 йилги манзили дастурга киритилиши ҳақидаги жаовб хати олинди. Афсуски, кейинчалик бино қурилишининг манзили дастурга ҳам киритилмай қолгани ойдинашди.


Шу кунларда Сабоҳат опа янги мактаб қурилиши муаммосини ҳал қилиш ташвишида. У масалани вилоят Кенгаши сессиясида ҳам кўтармоқчи. Чунки унга ишонч бидириди, депутатликка сайлаган халқнинг талаби, истаги шундай.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Хайрли амаллар бардавом



Хашар кунлари асосий эътибор маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар-жойларини ободонлаштиришга ва вилоятда санитария ҳолатини яхшилашга ҳамда эҳтиёжман оилаларга муруват ёрдамлари курсатишга қаратилди.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Қирча» маҳалласида кам таъминланган 2 та оилага қорамол олиб берилди. «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида 2 та болалар майдончаси ҳолийлар ҳисобидан татмирланди. Вилоятдаги 105 та эҳтиёжман оилаларга 5.3 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Пахтачи туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинидаги эҳтиёжман оилалардан 4 тасининг ақиқа туйлари ўтказиб берилди. Иштихон шаҳридаги «Ўзбекистон» ва «Иштихон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Иштихон кўчасининг икки ёнига 65 туп Қирим сониси, 50 туп Каштан, 35 туп япон сафораси, 35 туп қайин ва 60 туп арча дарактрали экидди.

МАЪНАВИЙ МУҲИТ БАҲҚАРОРЛИГИ

ТАЪСИРЧАН ТАРҒИБОТ — ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ

Маҳаллаларда диний бағрикенгликни, миллатларо тотувликни тарғиб этиш кўп жиҳатдан ҳамкор ташкилотлар, жумладан, масжид имом-хатиблари ва диний уламолар билан бирга диний ва миллий қадриятлар бўйича тизимли ишларнинг тўғри ташкил этилишига ҳам боғлиқ.

мизнинг соғлом тафаккурга эга бўлишига, динлараро муносабатнинг чигаллашмаслигига ҳолис хизмат қилаётди.

Жорий йил давомида мутақаддас ташкилотлар иштирокида «Қизларни турмушга тайёрлаш», «Диний ақиданарастлик ва миссионерлик ҳаракатининг салбий оқибатлари ва уларнинг олдини олиш», «Яқин қариндошлар уртасидаги никоҳ, вояга етмаган қизларни турмушга узатиш ва шаръий никоҳнинг олдини олиш» бўйича тузилган дастурларни ҳудудимиздаги ҳар бир маҳаллада амалга ошириш кўзда тутилган.

Ютуқларни эътироф этиш яхши, бироқ йўл қўйилган камчиликлардан кўз юмиш истиқболдаги режаларга жиддий таъсир кўрсатади. Вилоятимизнинг айрим маҳаллаларида 15-16 ёшли қизларни турмушга бериш, диний тасаввурлардан бузилиши ҳолатлари афсуски, ҳамон учрайди. Бу эса, биз — маҳалламиз мутақаддаслардан хушёрликни ошириб, чора-тадбирларимизни кучайтиришни талаб этмоқда.

Шу боис маҳаллаларда жазони ўташ жойларидан қайтганлар, жазо муддатини ўтаётганларнинг оила аъзолари, билмасдан ёт гоилар таъсирга тушиб қолганлар билан яққа тартибда суҳбатлар ўтказилаётди. Жорий йилда маҳалла фуқаролар йиғинларида маънавий муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган 1650 та тадбир ташкил этилди.

Соғлом маънавий муҳит — жамият барқарорлиги, юрт тинчлиги асоси. Буни дидан ҳис этган маҳаллалар фуқаролар йиғинларида намунали ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, Ургут туманидаги «Сойгўс», «Қуйи Алгар», «Суфийён», Самарқанд шаҳридаги «Иброҳим Хўжа», «Қавола», «Илмобод», Каттакўрғон туманидаги «Каттаминг» маҳаллаларида илгор тажрибалар тўпланган. Йиғин мутасаддилари ақиданарастлик ва миссионерликка қарши курашда, миллатларо бағрикенгликни таъминлашда ҳудуднинг узига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таъсирчан тарғибот юритишга тўғри йўлларни кўриб бераётди.

Фароғат ШОКИРОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бош мутахассиси.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИДА МУҲИМ МЕЗОН



вофиқ, ижтимоий шериклик асосида бир нечта йўналиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Бунда асосий эътибор фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, ҳодимлар меҳнати унумдорлигини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги 26 та маҳалла фуқаролар йиғинининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларга компьютер жамланмалари ҳамда 8 та фуқаролар йиғинига мебель жиҳозлари олиб берилди.

Шунингдек, Бобўт туманидаги Дустлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда «Дўстлик» маҳалласи бинолари ҳолийлар томонидан татмирланди. Анъанага кўра, ҳудуддаги 72-умумтаълим мактабининг 20 йил аввал битирганлар томонидан ҳолийларни жалб этган ҳолда Сирдарё тумани Ҳамза номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси барпо этилди.

Фуқаролар йиғинларини оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантириш мақсадида «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида янги ташкил этилаётган 33 та маҳаллий хизмат кўрсатиш шохобчасига юз нафарга яқин кишини ишга жойлаштириш чоралари кўрилмақда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими ва бўлинмалари ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган ишлар туғайли маҳаллаларда касбнинг муайян тури билан банд бўлганлар соғи олади.

Тижорат банклари томонидан туман ва шаҳарларда ёш оилаларга 1,5 млрд. сўмдан зиёд ипотека кредитлари берилди. 86 та ёш оиланинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун микрокредитлар ажратилиши ҳам ижтимоий ҳамкорлик кўла келди.

Сайхунобод туманининг «Янги ҳаёт» ва «Ахчоб» маҳаллаларида, Оқолтин туманининг Алишер Навоий, Гулистон шаҳрининг Муқимий номидаги маҳаллаларида иш билан банд бўлмаганларнинг йўқлиги ижтимоий шериклик яхши йўлга қўйилганининг амадаги ифодасидир.

Обод турмуш йилида вилоятимиздаги 158 та кўчаларнинг 143 тасини жорий ва 15 тасини мукамма таъмирлаш режалаштирилган. Бу борада «Сирдарёвиллоят» ташкилоти билан кенг йўлга қўйилган ижтимоий шериклик кўла келаяпти.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий шерикликнинг ҳаётимизга кенг таътиб этилиши натижасида турмушимиз янада обод бўлмоқда.

Бахтиёр ТОВБАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви раиси.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишлар, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла институтини фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу боис юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш мақсадида янги қонуналар ишлаб чиқилаётди.

Ислохотларнинг бугунги босқичи «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни қабул қилишни тақозо этмоқда. Мазкур қонуннинг ҳаётга таътиб этилиши фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишини таъминлаш билан бирга, амадаги ислохотларнинг шаффоқлиги ва самарадорлигини оширишга, туманитар муаммоларни бартараф этишга, аҳоли манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Бугунги кунда вилоятимизда ижтимоий шериклик, асосан, маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари, тижорат банклари, йирик саноат корхоналари, нодавлат но-тижорат ташкилотлар билан бирга амалга ошириляпти.

Яқинда бўлимининг ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида ишлаб чиқилган дастурга му-

МАҲАЛЛА — КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

БИР ЗАМИН ВА БИР ЗАМОН ФАРЗАНДЛАРИ



Умуминсоний қадриятлар, одоб-ахлоқ, ўзаро ҳурмат, дин-нат, меҳр-оқибат каби тушунчаларнинг шаклланиши ва ривожланишида маҳаллалар муҳим аҳамият касб этади. Йиғинларда турли миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, аҳил бўлиб яшамоқда. Мисол учун, Гулистон шаҳридаги «Дўстлик», «Улуғбод» маҳалла фуқаролар йиғинларида ўнлаб миллат вакиллари тўтув умргузаронлик қилишмоқда.

Маҳалламизда 8 миллат вакиллари билан биргаликда ҳаммамизнинг ҳаваси келади, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳом Болтаев. — Уларни аҳолимиз «олтин саккизлик» дейишади. Ўзбек, тожик, татар, қозоқ, рус ва бошқа миллат вакиллари бир-бирларига елкадош бўлиб, қўнғунч ташвишларини баҳам кўрадилар. Катта авлодлар анъаналарини энди ана шу оилаларда камол топаётган фарзандлар давом эттиришмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» асариде: «Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, умуминсоний руҳиятга, ҳулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса, мустақиллик йиллари мобайнида миллатларо тўтувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужуҳга келтирди», деб таъкидлаган.

Дарҳақиқат, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак гоилар миллати, ирқи, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, бир замин ва замонда яшаётган кишилар учун баробардир.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 70 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари бир оила аъзоларидек ўзаро ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлиб яшаб келмоқдалар. Уларнинг миллий қадриятлари, жумладан, ўз тарихи, тили, маданияти, санъатини, миллий урф-одатларини урганиш, ривожлантириш, она тилларида билим олишлари учун вилоятимизда барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Дарвоқе, бугунги кунда вилоятнинг бир нечта туманларида рус, қозоқ, қирғиз, тожик тилларида ихтисослашган мактаблар мавжуд. Гулистон давлат университетига рус, қозоқ филологияси бўлимлари ишлаб турибди. Шу билан бирга, вилоятда рус тилида 5 та газета чоп этилади. Телевидение ўз кўрсатувларини ўзбек ва рус тилларида намойиш этса, ра-

диодан ўзбек, рус ва тожик тилларидаги эшиттиришлар эфирга узатилади.

Айни пайтда вилоятимизда рус, қозоқ, қирғиз, озарбойжон ва корейс миллий маданият маркази фаолият юритмоқда. Марказ фаоллари томонидан ташкил этилаётган тадбирларда миллатларо муносабатларни янада ривожлантиришга эътибор қаратилаётди.

Марказимиз қошида ташкил этилган бадийий жамоа миллий санъат, фольклор, анъана, удув ва урф-одатларимизни ўзида ақс эттиришга билан аҳамиятладир, — дейди Қирғиз миллий маданияти маркази раҳбари Жонибек Абдуасомов. — Айниқса, «Жан-жанай» болалар бадийий жамоамиз фаолияти эътиборга молик. Жамоа кўлаб нуфузли курик-танлов ва фестивалларда қатнашиб голиб бўлган.

Корейс миллий маданият маркази қошидаги «Моран» халқ ансамбли ва рус-славян маданият марказининг «Росток-Нихол» болалар бадийий жамоаси фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ.

Тошпулат ҲАЙИТБОВЕВ «Mahalla»

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Эзгу ишга бел боғлаб

Сирдарё вилоятида яшарий айёми — Наврўз байрами арафасида ўтказилган икки кунлик умумхалқ хайрия ҳашарида миллий қадриятларимизга хос ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, бегараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатлар яна бир бор намоев бўлди.

Умумхалқ хайрия ҳашари вилоятнинг барча ташкилот, муассаса ва фуқаролар йиғинлари ҳудудида уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Хайри ва эзгу мақсад йўлида уюштирилган ҳашарда 550 минг нафар юртдошимиз қатнашди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сирдарё вилояти бўлими бош мутахассиси Шокир Раупов. — Қувонарлиси, уларнинг 270625 нафари ёшлар. Ҳашар давомида эл-юрт юмушига бел болаган юртдошларимизнинг сўй-ҳаракати билан 1641,2 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Хайрия тадбирида 1261,5 километр узунликдаги ариқ-зо-ворлар тозаланиб, 322 та зибраттоҳ ва қабристон тартибга келтирилди. Бундан ташқари, 438427 туп манзарали ва 260449 туп мевали дархат ниҳоли ҳамда 417296 туп гул қўчати ўтказилди, 678237 та дархат оқланиб, уларга шакл берилди.

Анъанага кўра, бу галги хайрия ҳашарида кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга курсатилган меҳр-муруват ёрдамлари кўлами ҳар қачонгидан ҳам кенг бўлди. Хайрия ҳашари кунларида эҳтиёжман оилаларнинг 19867,8 метр квадрат майдондаги ўй-жойлари таъмирланди, 2649 та кам таъминланган оилага 166,846 минг сўмлик муруват ёрдамлари кўрсатилди.

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Қутлуғ кунга ҳозирлик

Навбахорликлар бу йили баҳорни ўзгача гайрат-шижоат билан кутиб олдилар. Чунки май ойида туманнинг сўлим гушаси Сармишсойда «Асрлар садоси» фестивали бўлиб ўтди.

Шу боис ҳудудда ушбу тадбирга тайёрларик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. 16-17 март кунлари бутун мамлакатимизда бўлагини каби Сармишсойда ҳам хашар яқдл ва ҳамжиҳатлик билан ўтди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навбахор тумани бўлинмасининг 13 миллион 400 минг сўм маблағи ҳисобига ўрмон хўжалиқини мевали ва манзарали кўчатлар олиниб, боғ-роғлар ташкил этилди.

— Азалий қадриятимиздан бўлган хашар давомида «Асрлар садоси» фестивалига тайёрларик доирасидаги ишларнинг катта қисми адо этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навбахор тумани бўлинмаси бош мутахассиси Малоҳат Шодиева. — Жумладан, «Кармана — Қалқон» йўналишида жойлашган «Ўзбекистон», «Мавлон обод», «Қалқон» ҳамда Мирза Муин номи маҳаллаларидаги ўй-жойларнинг пештоқи ва томлари янгиланди, деворлар бўялди, йўл ёқасига манзарали кўчатлар ўтказилди. Бу хайри ҳаракатда 25 минг нафарга яқин аҳоли фаол иштирок этди.

Навоий вилояти бўйича эса 615 минг нафар аҳоли хашарини элни бираштирувчи, кўнгидаги покликни акс эттирувчи маънавий бойлик сифатида улуғлаб, астойдил меҳнат қилди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ТУРМУШ ГИНА ВА АРАЗДАН ХОЛИ БЎЛСИН



Наврўз — меҳр-муруват байрами. Бу кунда бир-бирдан ранжиб, аразлашиб юрганлар ярашади, дўсту қадрдон бўлишади. Ўзаро меҳр улашиб, сайларни шод-хуррамликда ўтказишади. Бу анъана нафақат Наврўзи олам билан боғлиқ, балки ҳар кун кузатилаётгани қувонарли ҳол.

— Маҳалламиз қошидаги Яраштириш комиссияси таркиби ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ёши улут отахонлар ва маҳалла инспекторларидан иборат, — дейди Навоий шаҳридаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний матрифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси, Яраштириш комиссияси аъзоси Оймихон Эшқобилова. — Келган шикоят, аризаларни маслаҳатлашиб ҳал этишимиз. Комиссиянинг ваколатлари кенг бўлиб, аъзолар маҳаллада рўй берган ҳар қандай «қўйди-чиқди»га аралашшига ҳақли. Мерос, ўй-жой, мулк масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳолисона, оидлона ҳал қилишда комиссиянинг ўрни муҳим.

Сўхбатдошимизнинг таъкидлашича, 2012 йилда Яраштириш комиссияси маҳалладаги оилалардан тушган 5 та аризаларни кўриб чиққан. Бу аризаларда, асосан, оиладаги келишмовчиликлар қайд этилган. Бирида қайнонанинг зу-



СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

ЭЗГУ АМАЛЛАР САРҲАД БИЛМАЙДИ



